ЖАҲОНДАГИ ПУЛ НАЗАРИЯЛАРИ ХУСУСИДАГИ ҚАРАШЛАР ТАҲЛИЛИ

Sharif Badalov
PhD at Kimyo International University in Tashkent

АННОТАЦИЯ

Эволюцион ва рационалистик концепцияга асосланган пул назарияларини таҳлил қилишнинг замонавий ёндашувларини ўрганиш зарурати мавзунинг долзарблигини белгилайди. Мақолада Кейнс-неоклассик вариантда пулнинг миқдорий назариясидан фойдаланган ҳолда эволюцион ва рационалистик ёндашувнинг моҳияти ва пул назарияларини ягона методологик тамойиллар асосида синтез қилиш ва бойитиш имкониятлари баён этилган. Хулоса шуки, пулни тартибга солишнинг назарий ва амалий тажрибасидан фойдаланиб, миллий тизимларнинг глобал тизимга интеграциялашувини ҳал қилиш мумкин.

Калит сўзлар. пул, пул назариялари, номиналистик назария, миқдорий назария, монетаризм, талаб, таклиф, рақобат

КИРИШ

Пулнинг келиб чиқишига оид илмий адабиётлардаги тадқиқотларда тўртта асосий ёндашув кўрсатилган, булар: товар, металл, номиналистик ва миқдорий назариялардир.

Эволюцион ёндашув қарашларга мувофиқ, пулнинг товар назарияси товар ишлаб чиқариш қонуниятлари орқали тушунтирганлиги сабабли мантиқий ва илмий жиҳатдан асосланган хисобланади. Эволюцион ёндашувнинг боши А.Смитнинг илмий ишларига бориб тақалади, чунки у пулни товар деб ҳисоблаган. Ушбу назарияга мувофиқ, пул товар айирбошлаш жараёнида бошқа товарлар қиймати ва баҳосини белгиловчи махсус эквивалент товар сифатида қаралган.

Пулнинг товар назарияси иккала категорияни бир-бирига қўшиб юборганлиги учун уни жуда содда ва эскирган назария сифатида қараш мақсадга мувофиқ эмас. Ушбу назарияда сўз фақат олтин тўғрисида эмас, балки зарурий меҳнат харажатлари тўғрисида бораётганлигини инобатга олиш керак. Пулнинг товар назарияси қийматнинг меҳнат назариясига асослангандир. Товарнинг қийматини белгиловчи ижтимоий-зарурий меҳнат харажатлари товар ишлаб чиқаришга хос категория хисобланади. Муаллифнинг фикрига кўра, ушбу назария ўз қимматини йўқотди дейиш нотўғри бўлар эди.

Охирги ўн йилликда пул келиб чиқишининг ахборот назарияси пайдо бўлди. Баъзи олимлар уни номиналистик, давлат ёки миқдорий назариялар ривожланишининг навбатдаги босқичи деб қарашмоқда[1]. Пулнинг ахборот назариясига мувофиқ, товар ва ишчи кучининг қийматини энергетик ёки ахборот бирликка эга шакл орқали ифодалашга уриниш хисобланади. Муаллифларнинг фикрига мувофиқ, юқорида кўрсатилган бирликлар хусусиятини пулнинг иқтисодий моҳияти билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Пулнинг металл назарияси намоёндалари олтин ва кумуш ўз табиатига кўра пул бўлганлиги учун, пул муомаласини товар айирбошлаш билан бир хил хисоблашган. Ушбу йўналишнинг биринчи намоёндаси XIV асрда ижод қилган француз олими Н. Орем хисобланади. Аммо, пулнинг металлистик назарияси тўла ва якунланган шаклда меркантилистлар У. Стаффорд, Т. Мен, А. Монкретьен, кейинчалик Ф. Галиани томонидан шакллантирилган. Ушбу иқтисодчиларнинг қарашлари савдогар буржуазиянинг манфаатларини ёқлаган эди, чунки улар қимматбаҳо металлар пулнинг ҳамма функцияларини бажарганлиги сабабли миллий бойликни қимматбаҳо металлар билан бир хил хисоблаганлар [2. 474 б].

Монополистик капитализмгача бўлган даврда, яъни қоғоз пулларни муомалага киритиш кенгайган даврда немис иқтисодчилари К. Книс, В. Лексис, А. Лансбурглар саноат буржуазиясининг манфаатларини ёқлаб чиққан ва пул бирликларини муомала қилиши мумкинлигини инкор этишмаган, аммо муомаладаги бирликларнинг мажбурий равишда қимматбаҳо металларга алмаштириш зарур деб билишган. Айнан шу даврда қоғоз пуллар алмашувни амалга оширишдаги техник восита, олтин ва кумушга эса табиий пул сифатида қарашлар кучайган. Кейинчалик ушбу қарашлар олтин стандартини қабул қилинишида ўз ифодасини топган ва охир-оқибатда олтин девиз стандарти сифатида шаклланган. Олтин стандарт концепцияси пулнинг номиналистик назариясини шаклланишига асос солди [2. 474 б].

Металлизм назарияси даври тугаган бўлишига қарамай, унинг ўрнига 1960 йилларда Францияда неометаллизм йўналиши пайдо бўлди, унинг асосчилари Ж. Рюфер, А. Тулемон ва бошқалар илмий мақсадлардан ташқари амалий, яъни доллардаги авуарларни олтинга алмаштириш масаласини ечишга уринишди. Металлистик назариядаги охириги нуқтани АҚШ Президенти Р. Рейган томонидан тузилган А. Лаффер бошчилигидаги комиссия қўйган, ушбу комиссия бир йиллик тадқиқотдан сўнг олтин стандартини қайта тиклаш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги хулосага келган [1].

XVII-XVIII асрларда металлистик назарияга қарши пулнинг номиналистик назарияси кенг тарқалди. Пулнинг номиналистик назарияси намоёндалари Н. Барбон, Дж. Беллерса, Дж. Беркли, Дж. Стюарт пулларни ички қийматга эга бўлмаган шартли белгилар сифатида кўрган. Номиналистларнинг фикрига кўра, пуллар алмашув операцияларини енгиллаштириш мақсадида инсонлар орасидаги келишувлар натижасида ёки давлат томонидан қонуний равишда киритилган. Номиналистик назарияда пуллар олтин ва кумуш билан боғлиқликни йўқотди. Пул фақат қиймат ўлчови вазифасини бажаради деган хулосага келинди. Ушбу назарияга мувофиқ, пул бу шартли белгилар ёки абстракт ҳисоб бирликлари бўлиб, товарлар билан ҳеч қандай боғлиқликка эга эмас. Номиналистлар пул номиналини унинг қиймати деб тушунишган [3. 109- б]. Шундай қилиб, пулнинг товар сифати инкор этилган. Номиналистлар пулни алмашув функциясини абсолютлаштиришган. Шу сабабли қиймат ўлчови ва баҳо масштаби тушунчаси қоришиб кетган.

XX асрда юзага келган давлатнинг пул назариясида номиналистик назария ўзининг тўла шаклига эришди. Унинг асосчиси немис иқтисодчи олими Г. Кнапп хисобланади, у ўзининг “Давлатнинг пул назарияси” (1905 й.) асарида пулни тартибга солувчи восита сифатида кўрган ва пулнинг қиймати номинал аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосий функцияси тўловларни амалга ошириш деб ҳисоблаган.

Давлатнинг пул назарияси билан бир қаторда австриялик иқтисодчи олим Ф. Бендиксен томонидан ишлаб чиқилган функционал ёндашув ҳам кенг ривожланди. Ёндашувнинг маъноси шундан иборатки, пул қиймат ўлчовини аниқлашда ёрдамчи вазифасини ўйновчи шартли белги сифатида қаралган. Пул фақат алмашув пропорцияларини белгилаб, кўрсатиладиган хизматларни авансланйдиган кўрсаткич сифатида қаралган. Ушбу назария намоёндалари пулнинг моддий неъматларини маълум қисмини ўзлаштириш ҳуқуқини берувчи бирлик белгиси сифатида таърифлаган.

Номиналистик назариянинг маълум камчиликларига қарамай, унинг амалий жиҳатдан муҳимлигини эътироф этиш зарур, назария доимий равишда давлат томонидан белгиланган сиёсий ва иқтисодий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилганлиги ҳамда реал хўжалик амалиёти билан доимо боғлиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Пулнинг номиналистик назарияси саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиш даврида амал қилганлиги сабабли кредит пулларини келиб чиқишига ва пулнинг миқдорий назариясини яратилишига асос бўлди.

Бозор муносабатларининг ривожланиши ҳамда унинг давлат монополистик капитализми босқичига ўтиши ва бу босқичда иқтисодиётнинг бошқарилиши юқорилиги билан тавсифланиши даврида пулнинг мазмунини илмий жиҳатдан тадқиқ этишда маржанализм ва юқори нафлилик назариясидан кенг фойдаланилган. Пулнинг миқдорий назарияси асосчилари пул моҳиятини ўрганишда нафлилик, пулнинг харид қобилияти, пулга бўлган талаб ва пул таклифи тушунчаларидан фойдаланиш орқали давом эттирилди. Улар томонидан баҳоларнинг шаклланиши ва динамикаси ўзгаришида пулнинг роли ўрганилган.

XX аср бошларида Л.Мизеснинг изланишлари натижасида функционал назариянинг психологик варианти вужудга келди, унга мувофиқ пулнинг қиймати баҳода акс этган бўлиб, қиймат пулга бўлган талаб ва муомаладаги пул массаси орасидаги муносабатга боғлиқ бўлишини асослашга ҳаракат қилишган. Шундай қилиб, пулнинг функционал назариясини психологик варианти асосчилари томонидан пулнинг миқдорий назариясига ўтишнинг услубий жиҳатларига асос солишган. Пулнинг миқдорий назарияси XIX-XX асрларда шаклланган ва иқтисодий назарияда ҳозирги вақтда ҳам етакчилик қилиб келмоқда.

Пулнинг миқдорий назарияси товарларнинг баҳоси билан муомаладаги пул миқдори орасида мавжуд деган гипотезага асосланади. Ундан ташқари, пулнинг харид қобилияти бозордаги талаб ва таклиф орқали аниқланади деган ғояни илгари суришган. Ушбу ғоялардан пулнинг миқдорий назарияси тарафдорлари томонидан асосланган қуйидаги йўналишлар ўз аксини топган. Биринчидан, товарлар баҳоси билан муомаладаги пул миқдори ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик мавжуд, иккинчидан, пулнинг ҳарид қобилияти унинг миқдорига тескари пропорционалдир.

Шу сабабли пулнинг миқдорий назарияси тарафдорлари пулнинг асосий функцияси муомала функцияси деган хулосани илгари суришган.

Баҳолар даражасининг қимматбаҳо металлар миқдорига боғлиқлиги тўғрисидаги фикрни Жан Боден илгари сурган. Пулнинг миқдорий назариясини XVIII асрда Д. Юм, Дж. Милль, ва Ш. Монтрескье ривожлантиришган. Д. Юм товарлар баҳоси доимо муомаладаги пул миқдорига боғлиқлигини айтган. Классик иқтисодий назария намоёндалари орасида пулнинг миқдорий назарияси хусусида Д.Рикардо чуқур таҳлил олиб борган. Унинг фикрига кўра, пулнинг қадри уни ишлаб чиқаришга кетган меҳнат сарфлари билан ўлчанади, аммо вақт ўтиши билан пулнинг миқдори ўсиши оқибатида унинг қиймати пасайиши мумкин.

Бугунги кунда пулнинг миқдорий назарияси турли вариантларда амалга оширилганлиги сабабли универсал хисобланади. Маълум маънода давлатнинг, банклар ва ушбу йўналишни ёқловчи мактабларнинг пул назарияси миқдорий анъаналарга мансубдир. XIX аср бошида англиянинг иқтисодий назария мактаби намоёндалари Томас Тук ва Джон Фуллартон банк мактабини яратишган, банкноталарнинг асосини кредит билан таъминланганлик ташкил этиши хусусидаги фикр мактаб яратиш ғоясининг мазмунини ташкил этган. Ушбу фикр ривожланаётган капитализмнинг амалий талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, пулнинг кредит табиатини ифодаловчи ҳозирги замон концепциясининг асосини ташкил этган. Масалан, Т.Тук товарларнинг баҳоси пул миқдорига боғлиқ эмас деб ҳисоблаган. Аксинча, пул миқдори товар баҳосининг ўзгариши натижасида ўзгарганлиги туфайли муомаладаги пул белгилари уларга бўлган талабдан ошиб кетмайди, деб ҳисоблаган.

Пулнинг миқдорий назарияси ғоясини татбиқ этишнинг амалий йўналишлари пул мактаби намоёндалари Самюэль Джон Ллойд ва Роберт Торренс томонидан шакллантирилган бўлиб, улар пул эмиссиясини бошқариш орқали пулнинг харид қобилиятини бошқариш ва шу йўл билан инқирозларни олдини олишни таклиф этишган.

асрнинг охирида пулнинг неоклассик назарияси намоёндалари Вилям Стенли Джевонс, Карл Менгер, Мари Эспри Леон Вильрас, Фридрих Визер, Эйген Бем-Баверк, Альфред Маршалл, Артур Сесил Пигу, Михаил Иванович Туган-Барановский ва бошқалар хисобланади. Неоклассик назария намоёндалари меъёрий нафлилик назарияси тарафдорлари бўлган. Ушбу ҳолат улар томонидан молия, пулнинг моҳияти ва пул муомаласини ўрганишда ўзига ҳос қарашнинг шаклланишига олиб келган.

Пулнинг номиналистик-миқдорий назария асосчиси М.И.Туган- Барановский хисобланади. У “Қоғоз пуллар ва металл” номли асарида ўзини Т.Тукнинг сафдоши қаторига қўшади. М.И.Туган-Барановский кредит соҳаси ва номиналистик-миқдорий назариянинг ривожланиши учун катта ҳисса қўшган [4].

XIX асрнинг бошларида пулнинг миқдорий назарияси иқтисодий назария соҳасида етакчилик қилган ва такрор ишлаб чиқаришнинг неоклассик назариясида асосий роль ўйнаган. Илмий доираларда қоғоз пуллар айланишини таърифловчи

пулнинг замонавий миқдорий назариясига А. Маршалл, И. Фишер, Г. Кассель ва Б. Хансенларнинг ишларида асос солинган деб ҳисобланади.

Замонавий иқтисодий назарияда пулнинг миқдорий назарияси хусусида иккита бир-бирига мувофиқ келувчи варианти мавжуд бўлиб биринчи варианти транзакцион йўналиш, иккинчиси кембридж йўналиши. Транзакцион йўналиш XX аср бошларида Ирвинг Фишер томонидан таклиф этилган ва XX асрнинг иккинчи яримида Милтон Фридмен томонидан ривожлантирилган. Ушбу усул асосида алмашув тенгламаси ёки Фишер формуласи ётиб, у қуйидагича ифодаланган MV=PQ. Пулнинг товар табиатини инкор этиш И.Фишер назариясининг услубий асосини ташкил этган. У муомаладаги нақд пуллар, пулнинг айланиш тезлиги, баҳоларнинг ўртача тортилган даражаси, товарлар миқдори, банк депозитлари ва депозит-чек айланиш тезлиги орқари аниқланадиган пулнинг ҳарид қувватини тан олган. И.Фишер қисқа муддатли даврлар учун ишлаб чиқариш ҳажми (Q) ва пул айланиши тезлиги (V) барқарорлиги туфайли, пул массаси (M) ва баҳолар (P) ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик мавжуд деб хисоблаган.

Кембридж йўналиши намоёндалари А. Маршалл, А. Пигу, Д. Робертсон, Д. Патинкин ва бошқалар пулнинг миқдорий назариясини ривожлантиришда пулнинг айланиш тезлигига эмас, балки унинг хўжалик юритувчи субъектларида тўпланишига кўпроқ эътибор беришган. Ушбу йўналишнинг бош принципи қуйидаги формулада ифодаланган M=kPQ, бу ерда k - хўжалик юритувчи субъект иштирокчилари пул кўринишида сақлайдиган йиллик даромаднинг бир қисми. Миқдорий кўринишда k 1/V га тенг.

Транзакцион ва кембридж йўналиши қарашларидаги асосий фарқ шундан иборатки, И.Фишер асосий эътиборни технологик факторларга, яъни пул айланиши тезлигини институционал омиллар айланиши давридаги ўзгармас ҳолатига боғлаган бўлса, кембридж мактаби эса истеъмолчилар танловини баён этган. Шунга қарамай, иккала мактаб намоёндалари ҳам муомаладаги пул миқдорининг ўзгариши баҳоларнинг ўзгаришига олиб келувчи сабаб, унинг оқибати эмас, деган хулосага келган. 1920-1940 йилларда пулнинг миқдорий назарияси ўрнига кейнсчиларнинг давлат молияси, пули ва пул-кредитни бошқариш назарияси эгаллади. Дж.М.Кейнс назарияси 1929-1933 йилларда бўлиб ўтган буюк депрессия деб номланувчи инқироздан чиқиб кетиш учун яратилган назария бўлиб, у 1940-1970 йилларда фанда етакчилик қилди. Кейинроқ ушбу йўналиш Кейнснинг сафдошлари Дж.Хикс, А.Хансен, П.Самуэльсон, А. Лернер, Р. Масгрейв, Г. Эккли, У. Хеллер, Дж. Пекменлар томонидан тўлдирилган ва ривожлантирилган.

Давлат молияси назариясидан асос сифатида фойдаланиб, Дж.Кейнс пул назариясининг ва пул-кредит муносабатларини бошқаришга оид назарияни таклиф этди. Дж.М.Кейнс назариясининг муҳим асосини ликвидлиликни афзал кўриш концепцияси ташкил этиб, унга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар тўлов захираларини жамғариш билан бирга хўжалик юритиш шартларининг ноаниқлиги билан боғлиқ рисклар олдини олиш учун қўшимча спекулятив қолдиқни шакллантиради. Бундай қолдиқларнинг умумий миқдори фоизнинг бозор нормасига боғлиқ бўлиб, Дж.М.Кейнс фикрига кўра, бу ҳолат психологик феномен хисобланади.

Муомаладаги пул миқдорини бошқариш орқали ликвидлиликка таъсир этиб, давлат фоиз нормасини бошқариши ҳамда инвестицион жараёнларни рағбатлантириши ёки чеклаши мумкин. Кейнс фоиз ставкасининг қўшимча пулларни эмиссия қилишда ва инфляцион жараёнларни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунган.

1930 йиллардаги инқироз тажрибасидан келиб чиқиб, Дж.М.Кейнс фоиз нормаси пул массасининг ўсишига бефарқ бўлиб қолиши мумкин деган хулосага келади. Бундай шароит фоиз нормасини ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган даражагача пасайтириш мумкин бўлмаган ҳолатга сабаб бўлиши мумкин. Ушбу ҳодиса ликвидлилик қопқони номини олган. Дж.М.Кейнс бундай ҳолат юз берган вақтда ҳукуматга хусусий капитал етишмовчилигини олдини олиш учун давлат бюджет харажатларини кўпайтиришни маслаҳат берган. Бироқ, Кейнс назариясининг ютуқлари ва кейнсчилар мактабининг ҳаракатларига қарамай 1960-1980 йилларда пулнинг миқдорий назарияси монетаризм кўринишида қайтадан шаклланган.

Иқтисодчилар монетаризмни хўжалик конъюнктурасини шакллантириш ва иқтисодиётни ривожлантиришда муомаладаги пул массаси асосий омил сифатида кўрувчи назария деб таърифлашган. Ушбу назария муомаладаги пул массаси ва ялпи ички махсулот орасида тўғридан-тўғри алоқа борлигини асослаган. Монетаризм 1950 йилларда АҚШда вужудга келган бўлиб, аввал Чикаго мактаби назарияси деб аталган. Унинг асосчиси Милтон Фридман хисболанади.

М. Фридман концепциясининг қуйидаги асосий жиҳатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин:

1. Пулнинг миқдорий назарияси ва унга асосланган иқтисодий даврларнинг монетаристик назарияси қабул қилинди, унга мувофиқ хўжалик конъюнктурасининг асосий тебранишлари уни келтириб чиқарган пул массаси ҳажмининг тебранишларига боғлиқ.
2. Пуллар реал иқтисодиётга фоиз нормаси орқали эмас, товар баҳолари даражаси орқали таъсир этади, деб хисобланади.
3. Монетар қоида ёки К-фоизлар қоидаси киритилиб, унга мувофиқ иқтисодиётнинг ҳолати, фазаларнинг даврлари ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар, муомаладаги пул массасини йилига 4-5 %га автоматик тарзда кўпайтиршни талаб этади.
4. Ташқи иқтисодий алоқаларни автоматик тарзда қўллаб туриш учун сузиб юрувчи валюта курси тизимидан фойдаланилади.
5. Пул кўрсаткичлари ва ишлаб чиқаришнинг реал омиллари орасида узилишлар борлиги туфайли иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришдаги фаолияти самарасиздир деган тезис қабул қилинади[1].

1970 йиллардан бошлаб монетаризм назарияси дунёнинг кўплаб давлатларида қўлланила бошланган. Монетаризм назариясининг асосий

намоёндалари А. Блиндер, К. Бруннер, Ф. Кейген, Д. Мейселмен, А. Мельцер,Д. Лейдлер, Р. Солоу, А. Шварц ва бошқалар бўлган.

Пул назарияси шаклланишида монетаристларнинг ролини тавсифлаб, Дж.Толбин, монетаризм назариясида пул иқтисодий конъюнктурани ва қайта ишлаб чиқаришнинг ҳамма жараёнларини аниқловчи хўжалик тизимининг марказий элементига айланди деган фикрни билдирган[5]. Кўпчилик иқтисодчи олимлар монетаризм назариясига танқидий нуқтаи назардан қарашди. Масалан П.Браунинг “Таажжубки, сиёсий жиҳатдан жозибали бўлган,шу билан бирга аниқ камчиликларга эга бўлган назария давлат дастурида асосий ўринни эгаллади”. Баъзи иқтисодчилар монетаризмни назария эмас, балки трансмиллий корпорацияларнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатларини ифодаловчи сиёсий концепция деб таърифлашган. “Монетаризм сиёсий жиҳатдан нейтрал эмас. Уни либерал консерваторлар ғояларининг иқтисодий асоси сифатида қараш мумкин”. Шунга қарамай М.Фридман концепцияси 1980-йилларда рейгономика номи билан машхур бўлиб, америка иқтисодиётини инқироздан чиқарган, инфляция даражасини кескин пасайтирган, долларнинг қадрини оширган ва бандлик даражасини оширишга олиб келган илмий қарашларни амалиётга татбиқ этилишининг ёрқин мисолидир.

Монетаризм назарияси танқидчилари, шу жумладан пулнинг миқдорий назарияси намоёндалари ҳам Фридман назариясидаги монетар қоидани қўллаш, пул сиёсати ва пул орқали бошқаришни абсолют ҳолатда кўрилганлиги ва бозор иқтисодиётини ўзини-ўзи бошқаришига катта урғу берилганлиги билан боғлиқ яққол камчиликларга эътибор қаратган. Шу сабабли монетаризм назарияси бугунги кунда П. Браунинг классификациясига кўра учта: неоклассик, градуалистик ва прагматик йўналишга бўлинади.

Неоклассик – монетаристлар М. Фридманнинг энг ашаддий сафдошлари бўлиб, улар монетар сиёсатнинг абсолют самаралилиги ва пул механизмининг абсолют эгилувчанлигини қаттиқ ёқлаб чиқишади.

Монетарист – градуалистлар эса баҳоларни етарлича эластик эмаслигини эътироф этиб, инфляция даражасини босқичма-босқич пасайтириб бориш вазифасини илгари сурилган. Яъни улар пул градуализми сиёсатини, инфляция даврида пул массасини босқичма-босқич ва бир маромда пасайтириб боришни қўлловчи йўналишни татбиқ этишни ёқлаб чиқишган. Замонавий амалиётда бу инфляцияни таргетлаштириш ва баҳолар барқарорлигини таъминлашда ўз ифодасини топган.

Монетарист – прагматиклар муомаладаги пул массасини қатъий бошқариш масаласига эҳтиёткорлик билан ёндашиб, инфляцияни жиловлаб туриш учун фойда устидан назоратни кучайтириш дастагидан қўшимча фойдаланишни тавсия этади. Бундай ёндашув пул – кредит ва солиқ – бюджет сиёсати орасидаги мутаносибликни таъминлашда яққол намоён бўлади. Прагматикларнинг бу қарашлари баъзи жиҳатлари билан кейнсчилар мактаби намоёндалари қарашларига мос келади[1].

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, пулнинг миқдорий назарияси фақат монетаризмнинг турли кўринишларида мавжуд эмас. Бунинг исботи сифатида инглиз иқтисодчиси ва файласуфи Ф.фонт Хайек назариясини келтириш мумкин. У инфляция ва дефицитга ҳожат қолдирмайдиган шароит яратилмагунча алоҳида валюталар рақобатлашадиган кўп валютали тизимни шакллантириш ғоясини илгари сурган [6.160-б]. Ф.Хайек монетаризм йўналишини, айниқса монетар қоидани танқид қилиб, уларни тажрибали сотқинлик эвазига вақтинчалик обрўга эга бўлган назариётчилар мактаби деб атаган. Монетаристлар томонидан пул массасини сиёсий воситалар орқали назорат қилиш кераклиги тўғрисидаги таклифини бозор иқтисодиёти асосларини бузади деб хисоблаган. Ф.Хаек олтин стандарт даврини саноат ривожланишининг ягона барқарор даври деб атаган [6.158-159 б].

Пул-кредит тизими орқали бошқаришнинг ҳар қандай шаклига қаршичиқиш Ф. Хаек назариясининг асосини ташкил этади. Хайек пул бирлиги барқарорлигини таъминловчи, баҳолар ўзгармаслиги, пул бозори ва умуман банк тизимини узлуксиз ишлашини таъминловчи механизмни яратишга ҳаракат қилган. У пул айланиш тезлиги ва баҳоларни нисбатан ўзгармас деб хисоблаганлиги учун алмашув тенгламаси M=Q кўринишини олган. Хайек пулни кўп валютали концепцияси мазмунидан мантиқий равишда муомаладаги пул миқдори билан ишлаб чиқарилган махсулотлар ҳажмига тенг бўлиши керакдеган хулоса келиб чиқади, деб ҳисоблаган [6.129-б]. Ушбу қарашларга таяниб,Хайек 1970 йилларда К.Векселлнинг муқим пуллар назариясини қайта тиклади ва бу иқтисодий назарияда кенг тарқалиб, монетар ва фискал сиёсат чегарасини белгилашга ёрдам берди [6.143-б].

Пулнинг миқдорий назарияси ривожланиши XX асрнинг бошларида иқтисодий тадқиқотларнинг янги йўналишини – пул-кредит назариялари даврийлигини, яъни хўжалик конъюнктураси даврий тебранишларининг ўзига хос жиҳатлари ва қонуниятларини ишлаб чиқиш асосий мақсад бўлиб қолди. Хозирги даврда дунё мамлакатларининг марказий банклари томонидан пул- кредит

сиёсатини бошқаришнинг асосий йўналишларини Р.Дж. Хоутри томонидан ишлаб чиқилган. Дж. М.Кейнс билан бир вақтда Р.Дж. Хоутри даврийлик ва инқирозлар назариясини ҳамда пул-кредит орқали бошқариш услубларини ишлаб чиққан, ушбу услубнинг асосий мақсади ривожланиш давридаги инқироз юз бериши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш эди. Хоутри инвестицион жараёнларни бошқариш, иқтисодий циклларни мувофиқлаштириши ва мувозанатлаштирилган иқтисодий ўсишга эришишнинг дастаги сифатида фоиз ставкалари ва кредит миқдорини ўзгаришдан фойдаланиш кераклигини асослаган. Хоутридан олдинги тадқиқотчилар, жумладан, Г. Кассель инқирозларни қазиб чиқариш йилдан-йилга камайиб бораётганлиги оқибатида олтинга бўлган талабнинг унинг таклифидан кўплигида деб билган. У. Беверидж эса инқирозлар банкларнинг кредит фаолиятидан келиб чиқади деб тушунтирган. Л.Миз инқирозларни банк активлари кўпайиши ёки камайиши оқибатида пул миқдорини ўзгаришидан ҳосил бўлади хисоблаган.

Даврнинг пул-кредит назарияси тарафдорлари иқтисодий конъюнктуранинг тебранишларини соф монетар ҳолат деб хисоблаб, хўжалик фаолиятининг кенгайишини товарларга талабнинг ўсиши билан битта нарса деббилишган. Шунинг учун улар иқтисодий ривожланишнинг шарти кредитлаштиришни кенгайтириш, кредитлаштиришни чеклаш эса иқтисодий ўсишни пасайтиради деб билган[1].

Пул назарияси ривожланиши тарихини тахлил қилиш мобайнида қуйидаги хулосага келиш мумкин, мавжуд иқтисодий мактаб намоёндалари бир хил, яъни биринчидан, пул барқарорлигини таъминловчи тамойилларини асослашга, иккинчидан, пулнинг иқтисодиётни ривожланишига таъсир этиш механизмини ишлаб чиқиш муаммосини ечишга ҳаракат қилишган. Иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бошқарувчилар талабларига мос келадиган, бизнес юритишнинг асосий йўналишларига жавоб берадиган, иқтисодиётни бошқариш вазифасини бажарадиган, иқтисодиётни ривожлантиришга ва бир маромда пул айланишини таъминлашга хизмат қиладиган назариялар ҳаётий эканлиги исботланди.

Глобаллашув даврида пул назарияси эволюциясининг таҳлили алоҳида давлатлар пул назарияси бўлмаслигини кўрсатди. Амалиёт пулнинг қиймат назариясини аксиома сифатида давлатлар томонидан қабул қилинишига олиб келди. Бунга халқаро молия институтларининг ва давлатлар марказий банкларининг фаолияти ёрдам берди. Л.Н. Красавинанинг фикрига кўра, пулнинг қийматни меҳнат назариясига асосланган назарияси номиналистик ва миқдорий назариялари томонидан сиқиб чиқарилди [7.5-б]. Аммо, амалиётнингкўрсатишича, қабул қилинган умумий услубий тамойиллар хукмронлиги давлатлар томонидан миллий монетар сиёсатини қўллашини инкор этмайди. Бунга ҳозирги даврда

пулнинг миқдорий назарияси монетар сиёсатни олиб боришда турли услуллар ва дастаклар комбинациясидан кенг фойдаланиш имкониятини яратиб бериши ва уни иқтисодий бошқаришнинг шаклларини бирлаштириш мумкинлиги билан изоҳланади. Глобаллашув давридаги асосий масала, пул соҳасини бошқариш бўйича бой назарий ва амалий тажрибадан фойдаланиб, уларни миллий иқтисодиётдаги масалаларни ечишдан ва глобал бозорга интеграциялашувига ёрдам беришни ташкил этишдан иборат.

REFERENCES

1. Словарь-справочник по современным деньгам и рыночныминститутам. URL: http://www.yur.ru/money/sprav/1.html.
2. Экономическая энциклопедия. Политическая экономия. Т.2. / Подред. А.М. Румянцева. – М.: Советская Энциклопедия, 1975. – 560 б.
3. Экономическая энциклопедия. Политическая экономия. Т.3. / Гл. ред. А.М. Румянцев. – М.: Советская Энциклопедия, 1979. – 624 б.
4. Туганъ-Барановский М.И. Бумажные деньги и металл. – Одесса: Русская Культура, 1919. – 132 б.
5. J.Tobin – Esseys in Economics. Vol.1., Macroeconomics. – Amsterdum,London. – 1971.
6. Хайек Ф.А. Частные деньги. – М.: Институт Национальной Модели Экономики, 1996. – 229 б.
7. Красавина Л.Н. Проблемы денег в экономической науке // Деньги и кредит. 2001. ¹ 10. Б.3–6.